

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган хажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори киймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

*(АСОС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли "Ўзaro ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори)*

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. *(6-, 7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бранли истеъмолчилар тўлдирди)*

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи